

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



07.00.06 – АРХЕОЛОГИЯ (ТАРИХ ФАНЛАРИ) БҮЙИЧА ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС  
ИХТИСОСЛИК ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд-2022 й.

### **Аннотация:**

Дастур 07.00.06-Археология (тарих фанлари) ихтинослигига кирувчилар учун 70220401-Археология, 70220402-Этногенез (ўзбек ҳалқининг этник тарихи), 70220301-Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича) мутахассисликларини 2019 йилда тасдиқланган ўкув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

Эргашев О.Т.

СамДУ, Археология кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Холматов Н.У.

СамДУ, Археология кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.

Асланов А.П.

СамДУ, Археология кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дастур Тарих факультетининг 2022 йил 21 сентябрдаги № 1 сонли  
Кенгаш йигилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

## **КИРИШ**

07.00.06-Археология (тарих фанлари) – ўрганишдаги аҳамияти тарих фанлари орасида катта аҳамиятга зга. Археологияда тош даври хўжалиги, моддий маданияти, ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг шаклланиши, палеометалл даври суғорма дехқончилик тараққиёти, Ўрта Осиёнинг локал маданиятлари хусусиятлари, илк урбанизациянинг шаклланиши, ихтисослашган ишлаб тараққиёти, ғоявий-диний қарашлар, қадимги давр этно-маданий жараёнлари, қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти, хўжалик хусусияти, ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий маданият хусусиятлари каби тушунчалар ва билимлар моҳияти ва аҳамияти очиб берилади.

07.00.06-Археология (тарих фанлари) ихтисослигининг вазифаси - фанининг шаклланиши ва тараққиёти, унинг тарихий фанларни ўрганишдаги ўрни, жаҳон ҳамда, мамлакатимиз ҳудудида моддий-маданиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва хусусиятлари муносабатларининг шаклланиши, археологияга оид маълумотларни турли минтақалар ўтмиш тарихи ва маданияти муаммоларини ўрганишда фойдаланиш, тархеологиянинг аниқ тарихий-маданий жараёнларини тадқик қилиш тамойиллари ҳакида билим, кўникма ва малака шакллантиришdir.

07.00.06-Археология (тарих фанлари) ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кирувчи даъвогарлар учун 70220401-Археология, 70220402-Етногенез (ўзбек ҳалқининг этник тарихи), 70220301-Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича) магистратура мутахассисликлари ўқув режасига асосан З та ихтисослик фанлари бўйича: “Жаҳон маданияти тизимида Ўзбекистон археологияси”, “Ўзбек ҳалқининг моддий ва маънавий маданияти”, “Палеоэкология ва цивизация динамикаси”, “Марказий Осиё антропогенези” ва “Замонавий археологик тадқиқот усуслари” фанларидан саволлар базаси шакллантирилган.

Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

### **Жаҳон маданияти тизимида Ўзбекистон археологияси**

Ўзбек давлатчилиги тарихини одилона, илмий асосда ёритиш борасида қўйилган вазифалар ва уларнинг аҳамияти. Қадимги Сўғди илк шаҳарлари ҳудудлараро маънавий-маърифий марказлар эканлиги. Буюк Ипак йўли ва унинг Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида тутган ўрни. Самарқанд (Афросиёб) шаҳрининг инсоният маданият тарихидаги ўрни. Мустақиллик даврида археология фани ривожи, истиқболлари. Жанубий Ўзбекистон Қадимги

Шарқ цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлиги. Тошкент, Бухоро, Хива шаҳарларининг қадимги маданият марказлари сифатида дунё тарихида тутган ўрни. Археологик манбалар асосида тарихий жараён ва жамоаларнинг маданияти ҳамда турмуш тарзини ифодалаш тамойиллари. Истибод даврида археология фани ёдгорликларни тарихдан ўрганишдаги камчиликлар ва аждодларимиз маданият тарихини беғубор, одилона ўрганиши – истиқлол неъмати эканлиги. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини яратишда археолог манбаларнинг аҳамияти. Археология тарих фанининг таркибий қисми эканлиги. Археология фанининг шаклланиш тарихи. Ўзбекистонда археология фанининг тараққиёти. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоалар тарихини ўрганишда эришилган муҳим ютуқлар. Зарафшон воҳасида илк маданият тарихимизни ўрганишдаги асосий ютуқлар ва муаммовий вазифалар. Археология фанининг асосий манбалари. Инсоният тарихини тараққиёт босқичларига (даврларга) бўлишда археологик ёндашиш тамойиллари. Мамлакатимиз ҳудудида ибтидоий уруғдошлиқ даври тарихига доир асосий ёдгорликлар. Мамлакатимиз ҳудудидаги жез даврига оид муҳим ёдгорликлар ва уларнинг ўрганилиш тарихи. Инсоният тарихида дастлабки ишлаб чиқариш хўжалик иқтисодига ўтиш жараёни. Самарқанд ҳудудидаги ибтидоий жамоалар маконлари ва топилмалари. Ўрта Осиё миқёсида дастлабки ўтроқ суформа дехқончилик хўжалигига ўтган жамоалар ёдгорликлари. Мамлакатимиз ҳудудидаги илк темир асрига оид асосий ёдгорликлар. Ўзбекистонда ўрганилган палеолит жамоаларининг маконлари. Самарқанд (Афросиёб) шаҳри тарихи ва унинг жамоа маданият тарихида тутган ўрни. Ўрта Осиёда феодал муносабатларнинг барпо топиши ҳақидаги археология ёдгорликлари. Ўрта Осиёнинг илк шаҳарларига доир муҳим ёдгорликлар (Олтинтепа, Сополли, Жарқўтон ва бошқалар). Қадимги Хоразм тарихини ўрганишда эришилган археологик ютуқлар. Қоятош суратлари – аждодларимиз санъати намуналари эканлиги. Ўрта Осиёнинг чўл-дашт минтақаларида яшаган ибтидоий ва қадимги жамоалар маданияти ҳамда асосий ёдгорликлар мажмуалари. Калтамиор маданияти. Атоқли археолог Д.Н.Лев хизматлари. Атоқли археолог, тарихчи, этнограф Я.Ғ.Ғуломовнинг ҳаёт йўли ва унинг фан тараққиётидаги хизматлари. Археологик тадқиқот тамойиллари ва услублари. Марказий Осиёдаги қардош республикаларда археология соҳасида эришилган асосий ютуқлар. Устюртда (ККАР) эришилган археологик ютуқлар. Археологик тадқиқотларда қардош республикадаги олимлар билан ҳамкорлик муносабатларининг муҳимлиги. Археологик тадқиқотларда табиий фанларнинг иштироқи ва аҳамияти. Археологик тадқиқотларда қардош республикалари олимлари билан ҳамкорлик муносабатларининг муҳимлиги. Археологик тадқиқотларда табиий фанларнинг иштироқи ва аҳамияти. ЎзФА Археология институти қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишдаги сўнгги ютуқлари. Жанубий Ўзбекистонда (Сурхондарё, Қашқадарё) тарихимизни ўрганишда эришилган

янги тадқиқолар таҳлили. Ўрта Осиё археологияси тарихшунослигига доир муаммолар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб мазкур ҳудудда кечган давлатчилик жараёнлари ҳамда ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш долзарб масала даражасига кўтарилиди. Халқимизнинг ўз тарихи ва миллий қадриятларини ўрганишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, аждодларимизнинг турли моддий маънавий ёдгорликларни тадқиқ этиш ишлари қўллаб қувватланмоқда. Ўзбекистон Республика раҳбарияти бу борада ташаббускорлик кўрсатиб, тарихчи, археолог ва шарқшунос олимлар олдига халқимизнинг қадим тарихини қайтадан, ҳаққоний равишда яратиш вазифасини қўйди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда “ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. 1998 йил 11 августда бўлиб ўтган академик Яҳё Гуломов номидаги “Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш” Республика илмий семинарида тайёрланган “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси” лойиҳаси ушбу масалага жиддий эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Шунингдек, 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи олимлари, зиёлилари, академиклари, бир сўз билан айтганда илм аҳли билан учрашиб, улар билан илм-фанни янада ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш борасидаги ишлари бу борадаги сезиларли қадам бўлди.

Зарафшон ҳавzasида ўрганилган палеолит ва неолит даври жамоаларига доир ёдгорликларнинг ўрганилиш тарихи ва аҳамияти. Давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темур даврида Самарқанд ва унинг ривожланиши. Самарқанд – жаҳон цивилизациясининг қадимги марказларидан бири эканлиги. Самарқанд давлат университетининг аждодларимиз тарихини ўрганишдаги ҳиссаси. Янги археологик тадқиқотлар натижалари таҳлили. Тешиктош горининг аҳамияти. Кўктепа топилмалари ва аҳамияти. Афросиёб шаҳарчаси тарихи. Я.Ф.Гуломовнинг тарихимизни ўрганишдаги хизматлари. Сополли маданияти ҳақида тушунча. Бухоро шаҳрини археологик ўрганиш тарихи. Шахрисабз-2700 йил. Зарафшон воҳасида қадимги шаҳарлар археологияси. Ўзбекистонда янги археологик кашфиётлар. Зарафшон воҳасида палеолит ёдгорликлар. Тоҷикистонда Археологиянинг ривожи. Туркманистонда археологиянинг ривожи. Фарғона воҳасида янги археологик тадқиқотлар. Бронза даврида дағн маросимлари. Саклар ва массагетлар. Ўрта Осиёда феодал муносабатларнинг барпо топиши. Афросиёб. Кулолчилик. Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар. Қадимги Хоразм тарихи. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. Замонбобо маданияти. Бронза даврида дехқончилик маданияти. Чўст маданияти. Тошкент воҳаси археологияси. Бухоро меъморчилиги. Сомонийлар даври ёдгорликлари. Селенгур макони ва аҳамияти. Мустьер даврига характеристика. Зирабулоқ. Кўтиrbулоқ маконлари. Неолит даврининг хусусиятлари. Сазағон маданияти. Мезолит даврига

характеристика. Сўнгги палеолит даврига характеристика. Зарафшон воҳаси сўнгги палеолити. Мезолит даврига характеристика. Мачай ғори ва аҳамияти. Омонқўтон, Кўлбулоқ маконлари. Ибтидоий даврда маъновий турмуш. Ибтидоий даврда маданий алоқалар. Сазафон маданияти. Дамдам чашма макони. Туркманистон мезолити. Неолит даврида дастлабки дехқончилик. Неолит даврида ижтимоий тузум. Каспийбўйи тош асри. Энеолит даврида ижтимоий муносабатлар. Антик ва ўрта асрлар археологияси.

### **Палеоэкология ва цивизация динамикаси**

Археологиянинг тарихий ўтмишни таракқиёт босқичларга ажратиб ўрганиш тамойиллари. Археологик даврлаштиришнинг замонавий қарашлари. Тош асри. Тош асрининг умумий хусусиятлари. Музлик даври. Табиий шароит. Экология. Одамзоднинг шаклланиш тарихий босқичлари. Антропогенез масаласи. Одамзоднинг яшаш ва хаёт учун кураши. Хўжалиги. Мехнат воситалари. Тирикчилик манбаи. Онг, нутқ, маданий силжишлар. Оддий меҳнат қуролларини яратиш усул ва технологияси. Одамзод гурухларининг Ер юзини галма-гал ўзлаштириш тарихи. Палеолит даври. Музликлар. Яшаш шароити учун кураш. Палеолит даврининг асосий хусусиятлари. Пешма-пеш ривожланиш тарихи. Палеолит даврида ижтимоий маданий хаёт. Олдовой даври ва асосий ёдгорликлар. Ашелл даври. Мустьер маданиятига характеристика. Неандертал гурухларнинг хаёти. Мустьер даврининг Ўрта Осиё бўйлаб ўрганилиши. Асосий ёдгорликлар. Ўзбекистон ўрта палеолити. Асосий ёдгорликлар. Палеолит даврини ўрганишда ўзбек археологларининг асосий ютуқлари. Палеолит маконларини қазиш, тадқиқот қилиш усуллари.

Сўнгги палеолит. Умумий тушунча. Хронологияси. Сўнгги палеолит одамзод тури. Меҳнат қуролларни ишлаб чиқиш техникаси. Ижтимоий хаёт. Маданийлашиш тамойиллари. Асосий ёдгорликлари. Зарафшон хавзаси сўнгги палеолити. Матриархат даврининг бошланиши. Ибтидиой жамоа бўлиб хаёт юритиш хусусиятлари.

Сўнгги палеолит даври маданияти тарихини ўрганишда археологларнинг хизматлари. Палеолит даври тарихини ўрганишдаги муаммолар.

Илк палеолит даврида меҳнат қуроллари ясаш технологияси. Қайроқ қуроллар ва уларнинг турлари: хўжалик ва тирикчиликда фойдаланиш зарурият усуллари. Илк палеолит ва Хиндистондаги Соан маданияти. Марказий Осиё ilk палеолит ива Соан топилмалари ўртасидаги айrim технологик ва маданий ўхшашликлар. Марказий Осиё ва Қадимги Шарқ ilk палеолит даври жамоаларининг маданий алоқалари хақидаги муаммовий масалалар. Антропогенез марказлари хақидаги масала. Олдовой даври муаммолари ва Марказий Осиё ilk палеолитининг ўрни. Қурол ишлаб чиқаришда фойдаланилган манбалар. Чақмоқтош ва унинг хусусияти.

Қайроқтошдан қурол ясаш технологияси. Леваллуа технологияси хақида тушунча. Ёғоч қуроллар. Маъдан қатлам хақида тушунча. Ғор туридаги маконлар. Очиқ жойдаги манзилгохлар. Илк палеолит даврида тирикчилик манбаи бўлган ов усуллари. Турмушдаги ўрни, теримчи-термачилик ва табиат инъоми тўғрисида. Илк тарихий даврда олов, оловдан фойдаланиш ва сунъий олов чиқаришнинг кашф қилиниши. Инсонлар гурухлари, ўзаро муносабатлар, инсонлардаги илк абстракт тушунча, дунёни идрок қилиши, бирлашиб яшаш хусусиятлари. Бу даврнинг Марказий Осиё ёдгорликлари.

Қадимги дунёдаги маданий тараққиёт хақида тушунча. «Цивилизация» маданият синоними эканлиги. Л.Г.Морган системасида цивилизация тушунчаси. М.Вебер, О.Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К.Ясперс, П.Сорокин, С.Хантингтон таълимотлари. Цивилизациянинг босқичли назариялари. XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният цивилизацияси, жумладан, Ўрта Осиё цивилизацияси борасида тадқиқот олиб борган В.М.Массон, А.Аскаров, Т.Ширинов, В.И.Сарианиди, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев ва бошқаларнинг бу масалага янги ёндашув назария – талқинлари.

Жанубий Туркманистон, хусусан, Копетдоғ этаклари қадимги дехқончилик марказларидан эканлиги. Жойитун неолит даври маданияти ва унинг Ўрта Осиё цивилизациясида тутган ўрни. Ўтрок ва суформа дехқончиликнинг хўжалик сифатида кашф қилиниши цивилизациянинг илк илдизлариданлиги. Маданиятнинг янги тури ва унинг маданий стандарти. Янги турмуш тарзи ва маънавий тараққиёт. Маданият соҳасидаги сифати, силжиш омиллари ва биринчи маданият инқилобнинг ўзига хос муаммолари.

### **Ўзбек халқининг моддий ва манавий маданияти**

Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи. Ирқий ҳамда тиллардаги умумийлик ва ўзига хосликлар. Аҳолининг анъанавий хўжаликлари. Хўжалик маданий типлар ва этник чегаралар номутоносиблиги. Дехқончиликнинг вужудга келиши, тараққиёти. Моддий маданияти. Уй-жойларнинг аҳоли хўжалиги билан боғлиқлиги. Анъанавий кийимлари. Ҳунармандчилик. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг таомларидаги хусусиятлари. Ижтимоий ташкилотлари. Маҳаллачилик анъаналари. Антик ваўрта аср турар жойлари. Ислом ва унинг аҳоли маънавий маданиятига таъсири. Дин ва диний тасаввурлар. Дехқончилик, ҳунармандчилик. Илм-фан. Қишлоқ жамоалари-алоқалар.

### **Марказий Осиё антропогенези**

Селунгур санаси масаласи. Селунғир қатламлари. Неандертал одами. Миграция. Назариялар. Замонавий тадқиқотлар. Маънавий маданиятнинг вужудга келиши. Неандертал одами ўрганишда анатомик ёндашиш. Археологик ва этнографик ёндашиш. Неандертал одамнинг қабрлари. Дафн этиш маросими. Сиғиниш этиқодининг вужудга келиши. Каннибализм.

Магия. Табиат кучлари ва ҳайвонларга сифиниш. Тешиктош антропологик топилмаси. Ўрта палеолитга оид ёдгорликлар. Тешик-тош Ўрта Осиёнинг фаунистик материаллар сақланиб қолган ноёб ёдгорликларидан бири. Ҳомо сапиенс. Плейстоцен даврининг даврлаштириш ва умумий тавсифи. Архаик ҳомо сапиенс. Африка ва Евросиёпадан топилган антропологик топилмаланинг таҳлили. Ҳомо сапиенснинг вужудга келган жойи ва вақти. Моно ва полецентризм назариялари. Ирқларнинг вужудга келиши. Даврлаштириш ва хронология. ўрганилиш тарихи. Сосиогенезнинг илк босқичи. Обираҳмат макони антропологик топилмаси. Обираҳмат ғори индустрисидаги кўп сонли леваллуа техникаси. Самарқанд макони антропологик топилмаси. Самарқанд макони. Антропологик топилмалар. Зарафшон дарёси водийсининг тош даврини ўрганиш. Ўрта Осиё мезолит-неолит даври антропологик топилмалари.

### **Замонавий археологик тадқиқот усуллари**

Ғарбий Европа, Россия ва АҚШ археологик тадқиқотлари тарихидан. Яқин Шарқ ва Мисрда Ғарб археологларининг тадқиқотлари. Шимолий Қораденгиз бўйи шаҳарлари ва қўрғонларида рус тадқиқотчиларини олиб борган ишлари. Ўрта Осиё археологиясини ривожланиш даврининг бошланиши. ХАЕЕ, TAKE, ЮТАКЕ. Сўғд ва Фарғонада олиб борилган тадқиқотлар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология Институтининг тадқиқотлари. Ўзбекистон Республикасида қадими ёдгорликларни авайлаб асраш тўғрисида қабул қилинган қонун ва қарорлар. «Очиқ хат» (Рухсатнома) олиш тартиби ва қоидалари. Манзилгоҳлар ва қабр-қўрғонларни турлари. Қазув ишларини бошлашдаги дастлабки усуллар. Археологик ёдгорликларда тўғритўртбурчакли, ярусли, қатламли ва бошқа қазув ишлар усуллари. Қатлам назарияси. Сувости археологияси. Археологик топилмаларни белгилаш. Ҳар хил турдаги топилмаларни қазиб олиш ва уларга дастлаб ишлов бериш усуллари. Сопол буюларни қайта тиклаш. Танга пулларни тозалаш. Суяқ, газлама, тери, шиша ва ёғоч буюмларни тозалаш ва қайта тиклаш. Деворий суратларни қазиб очиш, тозалаш ва қайта тиклаш усуллари. Археологик топилмалар санасини аниқлашнинг асосий усуллари. Аниқ ва нисбий сана. Танга ва ёзма манбалар асосида ёдгорликларнинг санасини аниқлаш. Топилмаларни қиёсий ва бадиий хусусиятлари асосида санасини аниқлаш. Табиий фанларнинг археологик тадқиқот усулларида қўлланилиши (радиокарбон, калиоаргон, дендрохронологик, термолюминиссенсия усуллари). Синхронизация. Қазиша жараёнида метал буюмларни ажратиб олиш. Гипс формалар ва уларнинг қўлланилиши. Мато буюмлар ва уларнинг турлари. Мато топилмаларни қазиб олиш ва тозалаш. Мато топилмаларнинг сақланиш даражаси. Мато буюмларга химиявий ишлов бериш. Шиша топилмаларнинг сақланиш даражаси. Қазиша жараёнида шиша буюмларни тозалаш. Шиша буюмларни мустахкамлаш.

Археология ва информатика. Археологик тадқиқотларда математик статистика, дендрохронология, аэро ва космос суръатлардан фойдаланиш. Археологияга математик ва ахборот технологияларнинг қўлланила бошланиш тарихи. Археологияда ГИС.

### **3. Тавсия этилган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатнома, Тошкент, 2020 йил 24 январ.
2. Ш.М.Мирзиёев “Буюк келагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. - Тошкент: - “Ўзбекистон”, 2017 й.
3. Miriam T. Stark Archeology of Asia. Oxford Blackwell, 2006
4. Saidov M, Ungalov A “Arxeologiyada GIS va zamonaviy qurilmalar”. Samarqand-2021.
5. Denbow, James The Archaeology and Ethnography of Central Africa Published: Cambridge University Press. 2013.
6. Аванесова Н. Археология Средней Азии: энеолит и бронзовый век. Самарканд 2020. (Дарслик)
7. Джуракулова Д.М. Ўрта Осиё археологияси: Ўзбекистон палеолит даври. Самарқанд-2020. (Дарслик)
8. Джуракулов М.Д. Ўрта Осиё ибтидоий давр археологияси.- Дарслик, “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1984.
9. Эгамбердиева Н.А. Археология. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2011.
- 10.Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент. «Ўқитувчи» 1990.
- 11.Холматов Н.У. “Ўрта Осиё археологияси” услубий қўлланма. Самарқанд-2020.
- 12.Мартынов А.И., Шер Я.А. Методы археологического исследования. М., 1989.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

- 13.Археология. Под. ред. В.Л. Янина. М., «Изд. МГУ», 2006.
- 14.Авдусин Д.А. Основы археологии М., «Высшая школа» 1989
- 15.Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавщалар. Т., 1997.
- 16.Археология Зарубежной Азии. М., «Высшая школа» 1986
- 17.Археология Средней Азии. Под. ред. С.Б. Лунина. Т., 1986.
- 18.Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973
- 19.Брей У., Трамп Д. Археологический словарь М., «Прогресс» 1990
- 20.Джуракулов М.Д. Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. Учебное пособие. Самарканд: Изд.СамГУ. 1983. pdf.
- 21.Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М. «Высшая школа» 1985

22. Еленек Я. Большой иллюстрированный атлас первобытного человека М., 1982
23. Ламберг-Карловски К, Саблов Дж. Древние цивилизации. Ближний Восток и Мезоамерика. М., «Наука» 1992.
24. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.
25. Мартынов А.И. Археология. М., «Высшая школа» 2006.
26. Массон В.М. Первый цивилизация М., «Высшая школа» 1985.
27. Рындина Н., Дегтярева А. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие. М. 2002.
28. Сетон Ллойд. Археология Месопотамии М., «Наука» 1984.
29. Жабборов И. М. «Жаҳон халқлари этнологияси асослари» Т. Ўқитувчи 2008.
30. Жабборов И. М.-«Ўзбек халқи этнографияси» Т.«Ўқитувчи» 1994.
31. Древние обряды и культуры народов Средней Азии. Отв. Ред. В.Н.Басилов. М. Наука. 1986.

### **Электрон манбалар**

32. [www.history.ru](http://www.history.ru)
33. [www.natura.com](http://www.natura.com)
34. [www.archaeology.ru](http://www.archaeology.ru)
35. [www.archaeology.com](http://www.archaeology.com)
36. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ  
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН Даъвогарларнинг  
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>Синов топшириш шакли</b>	Ёзма
<b>Ажратилган вақт</b>	120 дақиқа
<b>Саволлар сони</b>	5
<b>Ҳар бир савол учун белгиланган балл</b>	20
<b>Максимал балл</b>	100
<b>Ўтиш бали</b>	55